

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06. 2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ХОЖИЕВ БАХТИЁР ИЛХОМОВИЧ

**ҚАНДИМ КЎТАРИЛМАСИДАГИ ТЕРРИГЕН ЮРА
ФОРМАЦИЯЛАРИНИНГ НЕФТГАЗЛИЙЛИК ИСТИҚБОЛЛИГИ ВА
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)

Хожиев Бахтиёр Илхомович

Қандим кўтарилмасидаги терриген юра формацияларининг нефтгазлийлик истиқболлиги ва геологик тузилишининг хусусиятлари.....3

Хожиев Бахтиёр Илхомович

Особенности геологического строения и перспективы нефтегазоносности терригенной формации юры Кандымского поднятия22

Hojiyev Baxtiyor Ilhomovich

Features of the geological structure and perspectives of oil and gas possibility of the Jurassic terrigenous considered as formations of Kandym uplift41

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06. 2017.GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

**ХОЖИЕВ БАХТИЁР ИЛХОМОВИЧ
ҚАНДИМ КЎТАРИЛМАСИДАГИ ТЕРРИГЕН ЮРА
ФОРМАЦИЯЛАРИНИНГ НЕФТГАЗЛИЙЛИК ИСТИҚБОЛЛИГИ ВА
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/GM54 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти” да бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хусанов Султанбой Тухтаевич**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Закиров Равшан Тулкунович
геология-минералогия фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **«Ўзбекгеофизика» АЖ**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти, Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.GM/T.41.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «23» октябр куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзили: 100059, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 114. Тел.: (+998)71-253-09-78, факс: (+998)71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz)

Диссертация билан Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4014 рақам билан рўйхатга олинган). Манзили: 100059, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 114. Тел.: (+998)71-253-09-78, факс: (+998)71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz

Диссертация автореферати 2019 йил « ___ » октябр куни тарқатилди.
(2019 йил « ___ » _____ даги _____ рақамли тарқатиш баённомаси).

Ю.И. Иргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг
Раиси, г.-м.ф. д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг
Илмий котиби, г.-м.ф. н.

Ф.Г. Долгополов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинарнинг раиси,
г.-м.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда нефть-газ қазиб олиш саноатини таъминлаш мақсадида углеводородлар (УВ) захираларининг оширилиши геологик-қидирув ишларининг асосий ва долзарб масаласи ҳисобланади. Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиши энергияни истеъмол қилишнинг доимий равишда ошиб боришига сабаб бўлади, бу эса углеводородлар хом ашёсининг базаси камайиб боришига олиб келади. Шу муносабат билан, нефть ва газ соҳаси устувор вазифаларидан бири, углеводород хом-ашёсининг кўп қатламли уюмлари жойлашган юра терриген формацияларининг геологик тузилиши хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Дунё миқёсида углеводород хом ашёси захирасини орттириш мақсадида, нефть ва газ конларининг геологик моделларини аниқлашга ва қайта кўриб чиқишга катта аҳамият берилмоқда. Бу вазифани ҳал этиш учун қуйидаги йўналишларни ривожлантириш зарур бўлади: ер пўсти чўкинди қобиғининг чуқур горизонтларини ўзлаштириш; углеводород захираларини янада орттириш учун нефть-газли формацияларнинг структуравий тузилишини аниқлаш; излов-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш ва уларни ўтказиш методикасини такомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда энергетикага бўлган мустақилликни таъминлаш ва нефтьгаз саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда режали ва босқичма-босқич ривожланиш, янги техника ва технологияларни қўллаш ҳисобига ҳар йили Республикамизнинг углеводород ресурслари базасини ўсиши таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «ҳар бир ҳудуднинг табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»¹ бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Қандим кўтарилмаси юра терриген формациясининг геоструктуравий элементлари бўйича нефтьгазга истиқболларини аниқла катта илмий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПКҚ-2822-сон «2017-2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш Дастури», 2017 йил 3 ноябрдаги ПКҚ-3372-сон «2017-2021 йилларда «Ўзбекнефтегаз» АЖ бўйича минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аввал ўтказилган геологик, сейсморазведка ва бурғилаш ишлари натижасида Қандим кўтарилмаси ва унга ёндош ҳудудларнинг чуқурликлардаги геологик тузилиши ўрганилган.

Бухоро-Хива минтақасида, жумладан Қандим кўтарилмасида юра терриген формациясининг геологик тузилиши ва нефтгазлилиги Г.С. Абдуллаев, А.А. Абидов, А.А. Акрамходжаев, А.М. Акрамходжаев, В.П. Алексеев, К.А. Алимов, Е.И. Арнаутов, П.У. Ахмедов, А.Г. Бабаев, Т.Л. Бабаджанов, Р.А. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Г.Б. Евсеева, И.В. Еременко, Е.Н. Жданова, Я.Х. Иминова, О.А. Каршиев, И.А. Крылов, Х.Х. Миркамалов, А.К. Мальцев, А.Х. Нугманов, В.В. Рубо, Л.И. Рубо, Ю.М. Садыков, С.К. Салямова, Б.К. Сафонов, Л.Н. Сафонова, А.Н. Симоненко, С.Г. Ситдиқов, Г.С. Солопов, К.А. Сотириади, Д.Б. Султанова, Б.Б. Таль-Вирский, В.И. Троицкий, У.Х. Хақимов, Л.С. Хачиева, Б.С. Хикматуллаев, Л.Г. Черкашина, М.Э. Эгамбердиев ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқот объекти бўлган. Уларнинг энг муҳим натижаларидан бири сифатида Хаққул, Шимолий Сюзма, Ходжиказган, Атамурад каби газоконденсат конларининг очилишини кўрсатиш мумкин, улар Қандим кўтарилмасининг ҳудудида юра терриген ва карбонат формацияларининг саноат даражасидаги газ захираларига эга бўлишини илк бора исботлаган.

Умуман олганда, кўриб чиқиладиган ҳудудда турли геологик-геофизик тадқиқотлар ёрдамида ушбу ҳудуднинг геологик тузилиши ўрганилган, тоғ жинсларининг нефть-газли комплекслари ажратилган, 19 та кон очилган, улардан 12 та конда юра карбонат формациясининг, 5 та конда – юра карбонат ва терриген формацияларининг ва 2 та конда – юра терриген формациясининг маҳсулдорлиги аниқланган. Юра терриген формацияси бўйича излов бурғилашга тайёрланган барча структуралар антиклинал бурмалар сифатида тайёрланган. Қандим кўтарилмаси ҳудудида бурғиланган қудуқлар ва сейсморазведка маълумотлари Хаққул, Шимолий Сюзма, Ходжиказган, Чаккакум, Муродтепа, Атамурад конлари юра терриген формациясида жойлашганлигини ва XVII, XVIII горизонтларнинг газга истиқболлиги антиклинал (структуравий-қатламли) тутқичлар билан, XIX, XX горизонтларнинг газга истиқболлиги ноантиклинал (литологик экранлашган) тутқичлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Шунга қарамасдан, терриген формациясининг тузилиши хусусиятлари ва литологик турли клинлар ҳосил бўлишининг углеводород уюмлари

шаклланишидаги роли кам ўрганилган ҳолда қолмоқда. Муаммо шундан иборатки, ҳозирги пайтгача ўрганилган ҳудуд доирасида юра терриген формациясида янги углеводородлар уюмлари очилиши бўйича истиқболли бўлган, ҳам антиклинал, ҳам ноантиклинал турга хос бўлмаган XVII, XVIII, XIX ва XX маҳсулдор горизонтларнинг тарқалганлик контурлари аниқланмаган.

Диссертация тадқиқотларининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти» акциядорлик жамияти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 10-14 «Тақирқудук, Янги Маржон майдонларида нефть-газ қидируви бурғилашнинг натижалари бўйича геологик ҳисобот» (2014 й.); 15-16 «Аннарроз, Шимолий Тошли, Ёрмоқ, Жумадарбаза майдонларида нефть-газ қидируви бурғилашнинг натижалари бўйича геологик ҳисобот» (2016 й.); 6-17 «Тузтепа, Коракамар, Джакасан, Сарҳад майдонларида нефть-газ қидируви бурғилашнинг натижалари бўйича геологик ҳисобот» (2017 й.); 107-17Б «Кульбешкак №1п параметрик қудуғининг материалларига илмий ишлов бериш натижалари тўғрисида, Карамоё, Шоркуль майдонларида нефть-газ қидируви бурғилашнинг натижалари бўйича геологик ҳисобот» (2017 й.); 3-18НГГ «Мубарек №1п параметрик қудуғининг материалларига илмий ишлов бериш натижалари тўғрисида геологик ҳисобот» (2018 й.); 32-18НГГ «Тунгуз, Ниязхон, Султоншоҳ майдонларида нефть-газ қидируви бурғилашнинг натижалари бўйича геологик ҳисобот» (2018 й.); 200-19Д «Шортак газоконденсат конининг синов ишлатиш лойиҳаси» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қандим кўтарилмасида юра терриген формацияси геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ва палеотектоник шароитини аниқлаш асосида унинг нефтьгазлилик истиқболларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қандим кўтарилмаси юра терриген формациясининг юқори ва қуйи қисми бўйича аниқлаштирилган структура ва қалинликлар хариталарини тузиш;

янги олинган геологик-геофизик ва бурғилаш маълумотлари асосида Қандим кўтарилмаси юра терриген формациясининг ўч ўлчамли геологик моделини барпо этиш;

юра терриген формацияси геологик структураларининг шаклланиш жараёнларини ва ёшини аниқлаш учун палеотектоник таҳлилани амалга ошириш;

юра терриген формацияси қирқимларида антиклинал ва ноантиклинал (литологик-тўсилган) тутқичлар ривожланган истиқболли участкаларни ажратиш;

углеводородларнинг антиклинал ва ноантиклинал тутқичларини аниқлаш учун геологик-қидирув ишларининг кейинги йўналишларини асослаш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Қандим кўтарилмасидаги юра даври терриген формациясининг ётқизиклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Қандим кўтарилмасидаги юра даври терриген формациясининг геологик тузилишини ўзига хос хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда бурғилаш далиллари, кудукларнинг геофизик тадқиқоти ва сейсморазведка маълумотларини ўз ичига олган геологик-геофизик қидирув материалларини мажмуавий таҳлил қилиш методлари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юра терриген формацияси маҳсулдор горизонтларининг тарқалганлик контурлари аниқланган, бу орқали углеводородларнинг башорат ресурсларини баҳолаш асосланган;

юра терриген формациясидаги углеводород уюмларининг кўп қатламли тузилиши ва синов ишлари ўтказилмаган қатламлардаги углеводородлар захираларини орттириш имконияти аниқланган;

илк бор юра терриген формациясининг XVII, XVIII горизонтларидаги антиклинал (структуравий-қатламли) ва XIX, XX горизонтларидаги ноантиклинал (литологик- тўсилган) тутқичлардаги газоконденсатларнинг истиқболлари аниқланган;

юра терриген формациясидаги углеводород уюмларининг палеотектоник шаклланиш шарт–шароитлари ва вақти аниқланган;

Қандим кўтарилмаси юра терриген формациясида D_1 ва D_2 тоифадаги УВ башорат ресурсларининг концентрацияси даражасига кўра тақсимланиши бўйича газга истиқболли зоналари ажратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўртта йирик антиклинал участкалар аниқланган – Ходжиказган-Боймурод, Кўшимча-Парсанкўл, Қумли-Қандим, Кувачи-Олот, улар биридан эгиклик ёки тектоник бузилиш орқали ажратилган;

Қандим кўтарилмаси юра терриген ётқизикларининг нефтгазга бўлган истиқболлари асосланган, бу орқали текширилган ҳудудда нефть ва газ уюмларини қидиришнинг стратиграфик диапазонини кенгайтириш ва углеводородлар хом ашё базасини орттириш асосланган;

Қандим кўтарилмаси бўйича янги ишлаб чиқилган қалинликлар харитаси асосида углеводородларнинг башорат ресурслари баҳоланган;

Қандим кўтарилмасида палеоген даври бошланишидан аввал углеводородлар уюмларининг шаклланишидаги қонуниятлар белгиланган, бу орқали Боймурод майдонидаги юра терриген формациясининг истиқболсизлиги аниқланган.

Қандим кўтарилмаси юра терриген формациясининг уч ўлчамли геологик модели ишлаб чиқилган;

УВ-хом ашёси башорат ресурсларининг тақсимланишига ва концентрацияси даражасига кўра нефтгазлилик истиқболлари харитаси тузилган, излов ва қидирув ишларининг кейинги йўналишлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган сейсморазведка маълумотлари ҳамда юра даври терриген ётқизикларини очган 100 дан ортиқ бурғиланган қудуқлар ва уларда бажарилган геофизик тадқиқотлар натижалари орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қандим кўтарилмаси юра терриген формацияси геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини, нефтгазлилик истиқболлини, углеводород уюмлари шаклланишининг шарт-шароитлари ва вақтини аниқлашдан иборат, бу эса геологик-қидирув ишлари йўналишларини танлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси углеводород ресурслари базасини орттиришдан, янги (антиклинал ва ноантиклинал) углеводород уюмларини аниқлаш бўйича истиқболли бўлган оптимал участкаларни ажратишдан ва аввал аниқланган углеводород хом ашёси конларини кўшимча равишда разведка қилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қандим кўтарилмаси юра терриген формацияси геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Хаққул қонидаги №8 баҳолаш-фойдаланиш қудуғини бурғилаш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тавсия «Ўзнефтегазқазибчиқариш» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 27 июндаги 02-14/1-31-сон маълумотномаси). Натижада баҳолаш-фойдаланиш қудуғи бурғиланди ва ўрта юра даври терриген формациясида янги газоконденсат уюмини очиш ва захираларини орттириш имконини берган;

2D-УЧН кўшимча профилларини ишлаб чиқиш орқали Ўртабулоқ структурасини юра терриген ётқизиклари бўйича қайта тайёрлаш мақсадида тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 27 июндаги 02-14/1-31-сон маълумотномаси). Натижада, Ўртабулоқдаги юра терриген ётқизикларида антиклинал структуранинг мавжудлигини исботлаш ва чуқур излов бурғилаши учун янги объект тайёрлаш имконини берган;

Каттатепа майдонида №2 излов қудуғини бурғилаш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тавсия «Ўзгеобурнефтегаз» АКда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 27 июндаги 02-14/1-31-сон маълумотномаси). Натижада Каттатепа майдонида УВ-хомашё захираларини орттириш ва излов ишлари йўналишларини белгилаш имконини берган;

Хаққул қонидаги №21 фойдаланиш қудуғида кўшимча интервалларни синовдан ўтказиш зарурлиги ҳақидаги тавсия «Ўзнефтегазгеология» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 27 июндаги 02-14/1-31-сон маълумотномаси). Натижада УВ-хомашёси захираларини

орттиришга эришиш учун синов ишлари ўтказиш зарурлигини асослаш имконини берган;

«Параметрик кудуқларни қуриш ва олинган материалларга илмий ишлов бериш бўйича йўриқнома»си (NGH 39.0-204:2018) «Ўзбекнефтегаз»АЖ да амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз»АЖ нинг 2019 йил 27 июндаги 02-14/1-31-сон маълумотномаси). Натижада параметрик кудуқлар материалларига илмий ишлов бериш сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 2 та халқаро, 3 та Республика илмий-амалий ва илмий-техникавий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг биринчи бобида – **«Қандим кўтарилмасининг ва ёндош ҳудудларнинг геологик-геофизик ва бурғилаш орқали ўрганилганлиги»** – Қандим кўтарилмасидаги юра терриген формациясининг геологик, геофизик ва бурғилаш усулида ўрганилганлиги даражаси ҳақида маълумотлар келтирилади.

Бухоро-Хива минтақаси, жумладан Қандим кўтарилмаси юра терриген формациясининг геологик тузилиши масаласи билан А.М. Акрамходжаев, Е.И. Арнаутов, В.П. Алексеев, А.А. Акрамходжаев, Г.С. Абдуллаев, К.А. Алимов, А.А. Абидов, П.У. Ахмедов, А.Г. Бабаев, Т.Л. Бабаджанов, Р.А. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Г.Б. Евсеева, И.В. Еременко, Я.Х. Иминова, А.О. Каршиев, И.А. Крылов, Х.Х. Миркамалов, А.К. Мальцев, А.Х. Нугманов, В.В. Рубо, Л.И. Рубо, К.А. Сотириади, С.К. Салямова, А.Н. Симоненко, Б.К. Сафонов, Л.Н. Сафонова, Г.С. Солопов, Ю.М. Садыков, Д.Б. Султанова, С.Г. Ситдиқов, Б.Б. Таль-Вирский, В.И. Троицкий, Б.С. Хикматуллаев,

У.Х. Хакимов, Л.С. Хачиева, М.Э. Эгамбердиев, Е.Н. Жданова, Л.Г. Черкашина ва бошқа кўпгина олимлар шуғулланган.

Бухоро-Хива минтақаси (БХР) ҳудудида углеводородларнинг уюмларини қидириш мақсадида геологик тадқиқотлар 1929 йилдаёқ бошланган, 1936 йилдан бошлаб излов ва структуравий бурғилаш амалга оширилган. Кўпчилик таниқли геологлар (К.А. Сотириади, С.И. Ильин, О.С. Вялов, П.И. Михайлицкий, А.Г. Бабаев ва бошқалар) томонидан турли йилларда тадқиқотлар ўтказилган.

1967 йилда И.А. Крылов ва А.К. Мальцев, БХР ҳудудида терриген ётқизиқлари тузилишининг ўзига хос хусусиятларини батафсил кўриб чиқиб, маълум тектоник элементларга тўғри келган намунавий қирқимларнинг геологик-геофизик тавсифини тузганлар. 1968 йилда А.Н. Симоненко, Е.И. Арнаутов, терриген ётқизиқларининг қалинликлари тақсимланишини таҳлил қилиши натижасида, терриген формациясидаги чўкиндиларнинг йиғилиб бориши континентал субаквал шароитдан денгиз шароитигача – денгизнинг таъсири кучайиб борган шароитларда юз берган, деган хулосага келади. Уларнинг фикрича, ўзгарувчан қалинликлари бўлган қатламларнинг йиғилиб бориши ва борган сари ёшроқ горизонтларнинг юра даврида аввалги қатламлар устига ётиб чўкиши, чўкиндиларнинг йиғилиб бориши жараёни юзаларнинг эрозион-тектоник рельефи устида юз бергани туфайлидир дейилган.

Бухоро-Хива нефтгазли минтақасини геофизик усуллар билан ўрганиш 1930-йиллар ўрталарида бошланган, бунда 1936 йилдан 1950 йилгача улар минтақавий хусусиятга эга бўлган. Магниторазведка усули билан ғарбий Ўзбекистоннинг бутун майдони мос ҳолда 1:200000 ва 1:500000 масштабларида ўрганилган. 1954 йилда 1:200000 масштабда гравиразведка ишлари ўтказилган, улар қаралаётган ҳудуднинг тектоник элементлари ҳақидаги тасаввурни ҳосил қилган. 1958–1959 йилларда Ўзбекистон геофизика трести томонидан субмеридионал йўналишдаги бешта маршрут бўйича вертикал электр зонд (ВЭЗ) усули билан (Л.А. Иванов) электроразведка тадқиқотлари ўтказилган. Бу ишларнинг натижасида бухоро палеоген ётқизиқларининг юқори қисми бўйича 1:50000 масштабдаги структура харитаси тузилган.

Сейморазведка геологик-қидирув ишларининг асосий геофизикавий усули бўлиб, чўкинди жинслар қобиғи тектоникасини ва чуқурликдаги геологик тузилишини ўрганишга имкон беради. 1970-йилларнинг бошида янги умумий чуқурлик нуқтаси усули (УЧН) қўлланади, у ҳозирги пайтда ҳам Бухоро-Хива минтақасининг кўп қисмида, шу жумладан Қандим кўтарилмасида қўлланади. Юра терриген формациясининг қирқимлари тузилишининг мураккаблигини ҳисобга олиб (формациялараро узилишлар ва мос келмасликларнинг мавжудлиги, фашиал ўрин алмашишлар ва ҳоказо), уларда углеводородларнинг йиғилишини аниқлаш истикболлари, асосан, литологик ва стратиграфик тутқичлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, шу

сабабли юқори аниқлик билан текшириш қобилияти бўлган сейсморазведка тадқиқотларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Қандим кўтарилмасининг худудида нефть ва газ бўйича чуқур параметрик ва излов-қидирув бурғилаш ишлари 1960-йиллар охирида бошланган. Шу вақтдан бошлаб ўтган давр мобайнида Қандим, Аккум, Парсанкўл, Ходжи, Ғарбий Ходжи, Хаққул, Ғарбий Хаққул, Чаккакум, Андакли, Қувачи-Олот, Қумли, Тойлоқ ва бошқа шунга ўхшаш конлар очилган.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра чуқур излов-қидирув ва параметрик бурғилаш ишлари 28 дан ортиқ майдонларда ўтказилган. 26 та майдонларда 107 та қудуқлар билан терриген юра чўкинди ётқизиклари очилган, улардан 47 та қудуқда терриген юра чўкинди ётқизикларининг тўлиқ қалинлиги очилган, қолган қудуқларда қисман очилган.

«Юра терриген формациясининг литологик-стратиграфик хусусиятлари ва чўкинди жинсларнинг йиғилиши шароитлари» номли диссертациянинг иккинчи бобида Қандим кўтарилмасининг палеозой, мезозой ва кайнозой гуруҳларидаги стратиграфик комплексларнинг литологик-стратиграфик хусусиятлари ва тавсифи батафсил ёритиб берилди.

Қандим кўтарилмасининг худудида, №1, 2, 3, 5 Хаққул, №1, 3, 4, 5, 6 Шимолий Сюзма, №3 Қумли, №1, 4 Аккум, №2, 3, 4, 7 Олот, №1, 2, 4, 5, 6, 7, 14, 22, 24 Қандим, №1п, 2, 4 Қувачи, №1 Чаккакум, №1 Атамурад, №1, 2 Ғарбий Хаққул, №1 Ходжи, №9 Ғарбий Ходжи, №1 Чегаракум, №3 Қўшимча, №1 Хатаркум, №1, 2 Боймурод ва бошқа қудуқларда палеозой гуруҳининг устки қисми очилган.

Кембрий даври Боймурод майдони №1, 2 қудуқларида (53 ва 14 м) ва Ғарбий Парсанкўл майдони №1 қудуғида (19 м) очилган. У амфиболли, гнейсланган, кварцитли, интенсив даражада метаморфизлашган серит-хлорит-кварцли, кремнийли ва графит-кварцли сланецлардан иборат бўлган.

Силурий даври ўрганилаётган худудда аниқланмаган.

Шимолий Сюзма майдони №3 қудуқда (151 м) интрузив тоғ жинсларининг нураган қалин пачкаси остида турли қисмларга ажралмаган юқори девон-пастки тошқўмир давридаги чўкинди ётқизиклари очилган. Ушбу қирқим оч кулранг тусли оҳактошлардан таркиб топган, улар кумоқли-сув ўтли, сув ўтли, интенсив даражада доломитлашган, зичлиги ўртача, майда ғовакли, доломитларнинг юпқа қатламлари учрайдиган, микрозаррали, кучсиз даражада қайта кристаллашган, сланецларга ажрала бошлаган ғовакли жинслардан иборат. Шимолий Сюзма майдонида, №2 қудуғида (24 м) ва Хаққул майдони №2, 3 қудуқларида (11 м ва 55 м) (қуйи-ўрта тошқўмир даври учун хос бўлган) тошқўмир даври очилган.

Хатаркум майдони №1 қудуғида, Хатар майдони №1 қудуғида (87 м), Чегаракум майдони №1 қудуғида (34 м) перм даври ётқизиклари очилган. Ушбу қирқим дағал заррали тоғ жинслари: гравелитлар, йирик заррали кумтошлар, ҳамда вулкан-кластик-туфли кумтошлар ва туфоалевролитлардан

таркиб топган. Бу тоғ жинслари тўқ кулранг бўлиб, кварц-дала шпати-слюда аралаш таркибли жинсга хос бўлган яшил тусга эга.

Мезозой гурухига хос бўлган чўкинди жинслари палеозой ётқизиқларининг юзаси устида бурчакли ва стратиграфик номувофик тарзда ётади, улар юра ва бўр даврига хос бўлган тоғ жинсларидан иборат. Ўрганилаётган ҳудудда триас даври ётқизиқлар топилмаган.

Юра даври ётқизиқлари ўзининг литологик белгиларига ва парагенез хусусиятларига кўра учта қалин қатламга бўлинади, улар куйидан юқорига қараб терриген, карбонат ва тузли-ангидрит формацияларига ажралади.

Чорджўй тетоник поғонасининг ғарбий қисмида ва умуман Бухоро-Хива минтақаси бўйлаб ўрта юра даврига оид чўкинди жинслар, асосан, континентал, денгиз-қирғоқбўйи ва денгиз келиб чиқишидаги жинсларнинг терриген комплексидан таркиб топади.

Аален-қуйи байос яруси стратиграфик номувофик тарзда (гуруд свитаси – XX горизонт) палеозой гурухига оид пойдевор жинслари устида ётади. Гуруд свитаси тўплами Сюзма майдони №2 қудуғида, Жанубий Кульбешкак майдони №1п қудуғида, Кульбешкак майдони №7 қудуғида очилган.

Гуруд свитаси тўплами алевролитлар, гиллар, кумтошлар ва аргиллитлар каби жинсларнинг турли қалинликдаги қатламларидан таркиб топади. Алевролитлар кулранг, тўқ кулранг, яшил тусли, кумлоқ, оҳактошли, слюдалашган жинслардан иборат. Гиллар кулранг, тўқ кулранг, алевролит аралашган, слюдалашган жинслардан иборат.

Юқори байос яруси гуруд свита устида стратиграфик мувофик ётади (дегибадам свитаси– XIX горизонт) ва алевролитлар, гиллар, кумтошлар ва аргиллитлар каби жинсларнинг аралашувидан таркиб топади. Аргиллитлар тўқ кулранг, қора, зич, баъзи жойларда пайпаслаганда ёғли бўлиб, қат-қат ажралиши ифодаланган. Қумтошлар кулранг, тўқ кулранг, турли катталиқдаги заррали, силикатлар билан кучли цементланган, баъзи жойларда карбонат материали аралашган, слюдалашган жинслардан иборат. Алевролитлар тўқ кулранг, гиллашган, яшил тусли, слюдалашган, баъзи жойларда қум аралашган жинслардан иборат.

Қуйи ва ўрта бат яруси (тангидувал свитаси – XVIII горизонт) стратиграфик мувофик ҳолда дегибадам свитаси устида ётади ва кумтошлардан таркиб топади, қуйи қисмида улар майда заррали бўлиб, алевролитларнинг майда қатламлари аралашган, ўрта қисмида – ўртача ва майда заррали кумтошлар, кам миқдорда алевролитларнинг майда қатламлари бор, юқори қисми асосан гиллашган бўлади.

Юқори бат-қуйи келловей яруси (бойсун свитаси – XVII горизонт). Ушбу свита 1959 йилда олимлар жамоаси томонидан Ҳисорнинг Жануби-Ғарбий тоғ тизмасининг Бойсун қисмида ажратилган ва асосан оҳактошлар, кумтошларнинг юпқа қатламлари қўшилган тўқ кулранг гиллардан таркиб топган.

Терриген чўкинди ётқизиклари устида стратиграфик мувофиқ ҳолда катта қалинликдаги карбонат қатлами ётади, у оҳақтошларнинг ҳар хил турларидан иборат бўлиб, ҳамма ёқда тарқалган. Қандим кўтарилмасида карбонат формацияси қирқимида қуйидан юқорига қараб қуйидагилар ажратилади: ўрта юра даврига оид келловей ярусининг XVI, XV-а ўтказувчан горизонтлари ва юқори юра даврига оид оксфорд-кимеридж ярусининг XV-1, XV-2, XV-3 ўтказувчан горизонтлари.

Геологик қирқимда карбонат формацияси чўкинди жинслари устида тузли-ангидрит формациясининг жинслари ётади. БХР тузли-ангидрит формацияси ётқизиклари излов-қидирув ишларининг бошланғич босқичида, асосан УВ ларнинг минтақавий устки қопқоғи сифатида кўриб чиқилган. Тузли-ангидрит формацияси қуйи ангидрит, қуйи туз, ўрта ангидрит, юқори туз ва юқори ангидрит қатламларидан иборат.

Ишлар олиб борилган ҳудуддаги бўр даврига оид чўкиндилар қуйи ва юқори бўлимлардан таркиб топади, улар стратиграфик номувофиқ тарзда юқори юра ётқизиклари устида ётади. Қуйи бўр даврига оид ётқизиклар ўз литологик хусусиятларига ва палеонтологик таърифларига кўра, неоком ярус усти, апт ва альб ярусларига бўлинади. Улар континентал ва лагуна-денгиз ётқизикларидан таркиб топади. Юқори бўр даврига оид ётқизиклар сеноман, турон ярусларига ва қисмларга ажралмаган сенон устки ярусига бўлинади.

Ўрганилган ҳудудда кайнозой эратемаси денгиз ва континентал фациялардан таркиб топган иккита формацияга ажралади, улар палеоген, неоген-антропоген даври ётқизикларига мос келади.

Бурғилаш маълумотлари асосида, Қандим кўтарилмаси ҳудуди доирасида ўрта юра терриген формацияси тўртта ритмосвиталарга бўлинади, булар гуруд свитаси (аален-қуйи байос), дегибадам свитаси (юқори байос), тангидувал свитаси (қуйи-ўрта бат) ва бойсун свитаси (юқори бат-қуйи келловей).

«Қандим кўтарилмаси геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари» номли диссертациянинг учинчи бобида геотектоник ҳолати ёритилган, юра терриген формацияси структураларининг шакилланиши жараёнларининг палеотектоник таҳлили бажарилган, антиклинал ва антиклинал бўлмаган турдаги кўп қатламли тутқичларнинг тузилишига аниқлик киритилган ва Қандим кўтарилмасидаги юра терриген формациясининг уч ўлчамли модели тузилган.

Ўрганилаётган ҳудуд, Қандим кўтарилмаси тектоник жиҳатидан Чорджўй тектоник поғонасининг шимоли-ғарбий қисми ҳудудида, эпигерцин Турон платформасининг энг йирик тектоник элементларидан бири бўлган Амударё синеклизасининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган.

Ушбу ўтказилган изланишлар ўрта юра даври ётқизикларининг нефть ва газга истиқболлигини баҳолашга бағишланганлиги учун, терриген формацияси структурасининг юзаси ва асоси бўйича, ҳамда ушбу объектнинг ҳар бир локал структураси бўйича таърифи келтирилган.

Анализ қилинаётган худудда ўрганилаётган ётқизикларнинг юқори қисми бўйлаб бир қатор локал структуралар ва эгикликлар ажратилди, бу эса терриген формацияси юзасининг структуравий харитасида акс эттирилган. Тузилган хариталар қатламнинг юқори ва қуйи қисми конформли тарзда ётишини кўрсатади. Тузилган моделнинг асосида тўртта йирик антиклинал участка ажратилган; Ходжиказган-Боймурод, Қўшимча-Парсанқўл, Қумли-Қандим, Қувачи-Олот. Ҳар бир катта антиклинал участка бир-биридан эгиклик ёки тектоник бузилиш билан ажралган.

Текширилаётган худуднинг юра терриген формацияси геологик ривожланиши тарихини ўрганиш учун қалинликларни таҳлил қилиш усули қўлланилди, шунингдек унинг қалинликлар харитаси тузилган, у чўкиндилар ҳосил бўлиши тезлигининг кўрсаткичи ҳисобланади, чунки айрим текислик худудлари эгилиб тушиши, одатда, чўкиндилар йиғилиши билан ўрни қопланиб борилади. Ушбу харитада Қандим кўтарилмаси юра терриген формациясининг қалинлиги 50 дан 600 м гача ўзгариб боришини кўриш мумкин, бу формациянинг ёши эса юра даврининг ўрта вақтига тўғри келади. Қандим кўтарилмасининг худудида терриген формацияси қалинликларининг тарқалиши бўйича олинган турли қийматлари асосида учта участка ажратилган.

Биринчи участка Қандим кўтарилмасининг марказий қисмини қамраб олади, бу ерда Қандим, Аккум, Қумли, Қўшимча, Тойлок, Чегарақум каби конлар, ва Хатар, Шарқий Хатар, Хатарқум майдолар жойлашган. Бу участка худуди доирасида, терриген формациясининг қалинлиги 50 дан 200 м гача ўзгариб боради, ва XVII (бойсун свитаси) ва XVIII (тангидувал свитаси) горизонтлардан таркиб топган иккита пачка ажратилади.

Иккинчи участка Қувачи-Олот, Ходжи, Ғарбий Ходжи, Парсанқўл конларини қамраб олади. Ушбу участкада терриген формациясининг қалинлиги 200 дан 350 м гача ўзгариб туради, бу ерда XVII (бойсун свитаси), XVIII (тангидувал свитаси), XIX (дегибадам свитаси) горизонтлари аниқланган.

Учинчи участка Қандим кўтарилмасининг ғарбий ва шимолий қисмларини қамраб олади, бу ерда Парсанқўл, Чаккақум, Хаққул, Ғарбий Хаққул, Шимолий Сюзьма, Ходжиказган, Шортрак, Кульбешкак, Атамурад, Муродтепа конлари, ҳамда Боймурод, Хакжан майдонлари ва бошқалар жойлашган. Учинчи участкадаги терриген формациясининг қалинлиги 350 дан 600 м гача ўзгариб туради. Ушбу участкада XVII (бойсун свитаси), XVIII (тангидувал свитаси), XIX (дегибадам свитаси), XX (гуруд свитаси) горизонтлари аниқланган. XVII, XVIII, XIX, XX горизонтлардаги чўкинди жинслар йиғилиб бориши давомида Қандим кўтарилмасининг ғарбий ва шимолий қисмлари эгилишлар ҳолатида бўлган, шу сабабли учинчи участка биринчи ва иккинчи участкага нисбатан, юра терриген чўкинди жинслари ўзининг максимал қалинлиги билан ажралиб туради.

Қандим кўтарилмаси юра терриген формацияси истиқболларини ҳаққоний даражада баҳолаш учун, юра даврининг палеотектоник вазияти

тикланди ва унинг шакилланиш жараёнларига аниқлик киритилди, унинг асосида 5 та йўналиш бўйлаб палеотектоник профиллар тузилди.

Палеотектоник профилларни тузиш нефть-газ излов ишларининг амалиётида кенг қўлланади, чунки улар ўрганиладиган ҳудуд геологик тузилишида вақт давомида юз берадиган ўзгаришларни очиқ-ойдин намоён қилишга имкон берадиган энг содда геологик ҳужжат ҳисобланади, бунда улар битта танланган текисликда турли таянч юзалари бўйлаб бир вақтда намоён қилинади.

Терриген формациясининг ётқизиқлари тузилиши бўйича йиғилган янги маълумотларнинг таҳлили, ҳамда Қандим кўтарилмаси ҳудудида ўтказилган палеотектоник таҳлиллар палеоген даври бошланишидан аввал УВ уюмларининг шакилланиш жараёни яқунланган деган хулоса қилишга имкон беради, шу сабабли Боймурод ҳудудидаги юра терриген ётқизиқлари УВ – ларнинг йиғилган захираларига истиқболсиз бўлиб чиқди. Структураларда нефть-газ бўлишининг улар ҳосил бўлиши вақтига боғлиқлигини аниқлаш, бўш структураларда бурғиланган, маҳсулдор бўлмаган қудуқлар сонини қисқартириш ҳисобига, нефть ва газ уюмларини қидиришнинг самарадорлигини анча ошириш имконини беради.

Ҳозирги пайтда Жануби-Ғарбий Ўзбекистонда, шу жумладан Қандим кўтарилмасида углеводород флюидларининг деярли барча аниқланган конлари, антиклинал тутқичлар билан боғлиқ бўлган. Лекин, мавжуд геологик-геофизик материалларга кўра, юра терриген формациясининг истиқболлилиги нафақат антиклинал, балки антиклинал бўлмаган тутқичлар (литологик, стратиграфик, тектоник тутқичлар, ва ҳоказо) билан ҳам боғлиқ бўлишини ишонч билан таъкидлаш мумкин.

Қандим кўтарилмасининг терриген формацияси қирқимларини қисмларга ажратиш ва корреляциясини тузиш учун, эталон сифатида Ходжиқазган №8 ва Кульбешкак №7 қудуқлари бўйича олинган маълумотлардан фойдаланилган. Эталон маълумотлари асосида текширилаётган ҳудудда клинлар ҳосил бўлиши зоналарининг хусусиятлари, тутқичлар турлари ва юра терриген формациясининг қисмларга ажралиши ўрганилган. Қудуқларда ўтқайилган геофизик тадқиқотлар натижалари асосида юра терриген формациялари учун корреляция схемалари тузилган.

Қудуқ геофизик материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, текширилаётган ҳудуднинг марказий қисмида XVII, XVIII горизонтларнинг қалинлиги қисқарган ва деряли бир хил тарқалган, шарқий қисмида XVII, XVIII, XIX горизонтлари, ғарбий қисмида эса – XVII, XVIII, XIX, XX горизонтлари тарқалганлиги аниқланган.

Демак, ғарбий қисмидан марказий қисмигача XIX, XX горизонтларда минтақавий литологик клинлар ҳосил бўлиши, шарқий қисмидан марказий қисмигача эса – XIX горизонтининг литологик клинлари ҳосил бўлиши юз беради деган хулосага келиш мумкин.

Ҳар йили чуқурлашиб бораётган глобал жаҳон муаммоси – углеводородларни қазиб олиш уларнинг захираларини орттириш орқали

қопланиши камаяётганлиги туфайли, ресурс базасини орттиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар, ҳар қандай нефть-газ минтақасининг ҳолатини ва иқтисодий ривожланишини белгилаб берувчи асосий йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Бунда углеводородлар уюмларининг тузилишини ва шаклланиши шароитларини комплекс структуравий моделлаштириш асосида, турли даражада ўрганилган геологик объектларнинг ҳаққоний баҳоланишига эришиш билан боғлиқ бўлган илмий изланишлар алоҳида долзарблик даражасига эга бўлади. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши геологик моделлаштириш соҳасида тадқиқот ишларининг тезкор равишда ривожланишига сабаб бўлади ва нефть ва газ бўйича геология-қидирув ишларининг энг самарали йўналишларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлади.

Юра терриген формацияси ҳавзасининг уч ўлчамли моделини барпо этиш учун, биринчи навбатда юра терриген ётқизикларининг юқори юзаси ва асоси бўйича структура хариталари тузилган. Текширилаётган ҳудудларда 2Д-УЧН сейсморазведкаси ўтказилиши ишларнинг асосий тури бўлган ҳолда, 3Д-УЧН сейсморазведка методи эса қаралаётган участкани фақат қисман қамраб олади. Шу сабабли, структура харитасини тузиш учун 2Д-УЧН сейсморазведкаси маълумотларидан ва излов-қидирув бурғилаш натижаларидан фойдаланилган.

Юра терриген формациясининг юқори юзаси ва асоси бўйича тузилган структура хариталари, ҳамда бурғиланган излов-қидирув кудуқларнинг маълумотлари Petrel 2011.2 дастурига киритилди. Киритилган бошланғич маълумотлар ва яратилган иш лойиҳаси асосида моделнинг структуравий-стратиграфик каркаси ишлаб чиқилган.

«Углеводород хом ашёсининг башорат ресурсларини баҳолаш ва ўрганилаётган ҳудудда излов-қидирув ишларининг кейинги йўналишлари бўйича тавсиялар» номли диссертациянинг тўртинчи бобида юра терриген формациясининг нефтьгазлилиги ёритилган ва юра терриген формациясининг башорат ресурсларини баҳолаш ўтказилган, геология-қидирув ишларининг кейинги йўналишлари бўйича тавсиялар берилган.

Ўрганилаётган ҳудудда УВ-хом ашёсининг башорат ресурсларини баҳолаш учун 1999 йилда А.А. Абидов, Т.Л. Бабаджановнинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг нефтьгазли минтақаларини тектоник ҳудудлаштириш харитасидан, ҳамда Шимолий Сюзма, Чаккакум, Хаққул, Ғарбий Хаққул ва Атамурад конлари бўйича маълумотлардан фойдаланилган.

Қандим кўтарилмасининг ҳудуди ичида терриген формацияси қалинлигининг тарқалганлигига оид турли олинган қийматлардан фойдаланиш асосида участка ажратилган ва XVII, XVIII, XIX, XX маҳсулдор горизонтларнинг тарқалиш чегаралари аниқланган.

Биринчи участка Қандим кўтарилмасининг марказий қисмини қамраб олади, бу ерда терриген формацияси қалинлиги 50 дан 200 м гача ўзгариб боради. Ушбу участкада XVII ва XVIII горизонтлардан иборат бўлган икки

пачка ажратилган ва улар бўйича УВ-хом ашёсининг башорат ресурслари ҳисоблаб чиқилган. Умуман олганда, биринчи участка бўйича D_1+D_2 категориялари бўйича башорат ресурслари 77107/76873 минг т.у.т. ни ташкил этади.

Иккинчи участка Кувачи-Олот, Ходжи, Ғарбий Ходжи, Парсанкўл конлари жойлашган худудни қамраб олади. Ушбу участкада терриген формациясининг қалинлиги 200 м дан 350 м гача ўзгариб туради, унда XVII, XVIII, XIX горизонтлар аниқланган. Иккинчи участка бўйича юра терриген формациясининг башорат ресурслари D_1+D_2 категориялари бўйича - 97530/97088 минг т.у.т. миқдорда, деб ҳисоблаб чиқилган.

Учинчи участка Қандим кўтарилмасининг ғарбий ва шимолий қисмларини қамраб олади. Учинчи участкадаги терриген формациясининг қалинлиги 350 дан 600 м гача ўзгариб туради, унда XVII, XVIII, XIX, XX горизонтлари аниқланган. Учинчи участка бўйича юра терриген формациясининг башорат ресурслари D_1+D_2 категориялари бўйича, XVII, XVIII, XIX ва XX горизонтларнинг ётқизиқлари ажратилган ҳолда, - 203728/202997 минг т.у.т. ни ташкил этган.

Умуман олганда Қандим кўтарилмаси юра терриген формацияси УВ ларининг башорат ресурслари 378365/376958 минг т.у.т. миқдорда деб баҳоланган.

Юра терриген формацияси УВ-хом ашёларининг башорат ресурслари тарқалганлиги бўйича олинган маълумотлар асосида Қандим кўтарилмасининг нефтгазлилиқ истиқболлари харитаси тузилган. Харитада, УВ ларнинг башорат ресурслари концентрациясининг тарқалганлиги даражасига кўра, иккита зона ажратилган: марказий ва шимолий-шимоли-ғарбий зона.

Марказий зонада юра карбонат формациясида чўкинди жинсларнинг маҳсулдорлиги аниқланган, бу ерда Қандим, Аккум, Қўшимча, Чегаракум, Тойлоқ, Қумли, Кувачи, Олот газоконденсат конлари кашф этилган. Ушбу зонада кудуқларни бурғилашда юра терриген формацияси мақсадли тарзда ўрганилмаган, шу сабабли унинг маҳсулдорлиги масаласи очиқ қолган.

Олинган геологик-геофизик материаллар таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, марказий зонада юра терриген формацияси истиқболли деб баҳоланди. Ўтказилган ҳисоблаш ушбу зонани УВ башорат ресурслари концентрацияси даражасига кўра иккинчи категорияга киритиш имконини берди, бу ерда уларнинг ўртача зичлиги (геологик/қазиб олинадиган) 94/95 минг т.у.т./км² ни ташкил этди.

Шимолий ва Шимоли-ғарбий зонада юра карбонат ва терриген формацияларда, Ходжиказган-Учбурган, Хаққул, Ғарбий Хаққул, Шимолий Сюзма, Чаккакум, Атамурад, Муродтепа газоконденсат конларида маҳсулдорлик аниқланган, лекин Парсанкўл, Андакли, Ходжи, Ғарбий Ходжи конларида эса чўкиндиларнинг маҳсулдорлиги фақат юра карбонат формациясида аниқланган, терриген формацияси эса ўрганилмаган.

Олинган геологик-геофизик материалларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, юра терриген формациясининг иккинчи зонасини юқори истиқболли деб баҳолаш ва уни УВ-хом ашё башорат ресурслари концентрацияси даражасига кўра биринчи категорияга киритиш имконини берди. Унда УВ ларнинг башорат ресурсларининг ўртача зичлиги (геологик/қазиб олинадиган) 125,5/125 минг т.у.т./км² ни ташкил этди.

Қандим кўтарилмасидаги юра терриген формациясининг башорат ресурсларини баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, 54% га яқин (шу жумладан бурғилаш билан ҳали аниқланмаган) ресурслар иккинчи зонада, 46% га яқин ресурслар – биринчи зонада концентрацияланганлигини кўрсатади. Қандим кўтарилмасининг геологиясига оид олинган янги маълумотлар, ўрганилаётган ҳудудда геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар зарур бўлиши ва аниқ натижаларга асосланган хулосага келиш учун имконият яратди:

- юра терриген формацияси бўйича янги структураларни тайёрлаш учун, Парсанкўл, Андакли, Фарбий Ходжи, Ходжи, Қувачи, Олот конлари жойлашган ҳудудларда кейинги қидирув бурғилашни ўтказиш учун 2Д-УЧН ва 3Д-УЧН сейсморазведкаси материалларини қайта талқин этиш лозим. Ҳудудлар паспортини тайёрлаш жараёнида маҳсулдор горизонтлар тарқалганлиги чегараларини ҳисобга олиш лозим;

- биринчи навбатда Фарбий Аккум, Жанубий Аккум, Шоркум, Тортепа, Четкум, Ўртакум тайёрланган объектларида юра терриген формацияси бўйича қидирув бурғилашни амалга ошириш.

ХУЛОСА

«Қандим кўтарилмасидаги терриген юра формацияларининг нефтгазлийлик истиқболлиги ва геологик тузилишининг хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қандим кўтарилмасида геологик, геофизик тадқиқотлар ва излов-қидирув бурғилашнинг таҳлили натижасида юра терриген формациясининг минтақавий истиқболли эканлиги белгиланди.

2. Қандим кўтарилмаси юра терриген формацияси янги газоконденсат уюмларини қидирув объектидир, шунинг учун геологик-геофизик ва мавзуй ишларни ўтказиш ҳажмларини ошириб бориш лозим.

3. Қандим кўтарилмасида юра терриген формацияси юқори юзаси бўйлаб тўртта йирик антиклинал участка ажратилган: Ходжиказган-Боймурод, Қўшимча-Парсанкўл, Қумли-Қандим, Қувачи-Олот, бир-биридан эгиклик ёки тектоник бузилиш билан ажралиб туради.

4. Қандим кўтарилмасининг ҳудуди доирасида бажарилган палеотектоник таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, палеоген даври бошланишидан аввал УВ уюмларининг шакилланиши яқунланганлигини, шу сабабли

Боймурод майдони ҳудудидаги юра терриген чўкиндилари истиқболсиз бўлиб чиққан.

5. Қандим кўтарилмасининг бутун участкасида XVII, XVIII горизонтларнинг истиқболи антиклинал (стртуравий-қатламли) тутқичлар билан, шарқий ва шимолий қисмларида XIX горизонтнинг истиқболи – антиклинал бўлмаган (литологик тўсилган) тутқичлар билан, ғарбий қисмидаги XIX, XX горизонтларнинг истиқболи ҳам антиклинал бўлмаган тутқичлар билан боғлиқ бўлади.

6. Тадқиқот ҳудудидаги юра терриген формациясининг уч ўлчамли структуравий модели ишлаб чиқилди ва унинг асосида юра терриген формацияси қалинлиги жануби-ғарбий, жануби-шарқий, шимоли-шарқий йўналишларда қалин тарқалганлиги кузатилди ҳамда структураларнинг замонавий ҳолати баҳоланди. Ушбу модель юра терриген формациясининг энг кўтарилган ва қалинлиги катталашган участкаси текширилаётган кўтарилманинг шимоли-ғарбий қисмида ётганлигини ҳамда бу ҳудуд нефть ва газга истиқболли эканлигини кўрсатди .

7. Қандим кўтарилмасида юра даврига оид терриген, карбонат ётқизиқлари ва қуйи бўр даврига оид жинсларнинг саноат даражасидаги маҳсулдорлиги аниқланган. Олинган маълумот ўрганилаётган ҳудудда терриген формациясининг катта истиқболлари ҳақида ва юра терриген ётқизиқларида жойлашган нефть ва газ уюмларининг излов стратегиясидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида хулоса қилишга имкон берди.

8. XVII, XVIII, XIX ва XX маҳсулдор горизонтлари ётиши чегаралари аниқланган ва учта участка ажратилган, Қандим кўтарилмасининг харитаси ишлаб чиқилган ва юра терриген формацияси бўйича УВ-хом ашёсининг башорат ресурсларини ҳисоблаш учун участкалар ажратилган ва унинг асосида башорат ресурслари ҳисобланди.

9. УВ-хом ашёнинг башорат ресурслари тарқалганлиги концентрацияси даражасига кўра марказий ва шимолий-шимоли-ғарбий зоналар ажратилди.

10. Излов ва қидирув бурғилаш самарадорлигини ошириш, юра терриген формацияларида антиклиналь ва антиклиналь бўлмаган янги конларни очиш учун қуйидагилар:

- юра терриген формацияси бўйича янги структураларни тайёрлаш учун, Парсанқўл, Андакли, Ғарбий Ходжи, Ходжи, Қувачи, Олот конлари жойлашган ҳудудларда кейинги қидирув бурғилашни ўтказиш учун 2Д-УЧН ва 3Д-УЧН сейсморазведкаси материалларини қайта талқин этиш лозим. Ҳудудлар паспортини тайёрлаш жараёнида маҳсулдор горизонтлар тарқалганлиги чегараларини ҳисобга олиш тавсия этилган;

- биринчи навбатда Ғарбий Аккум, Жанубий Аккум, Шоркум, Тортепа, Четкум, Ўртакум тайёрланган объектларини юра терриген формацияси бўйича қидирув бурғилашини амалга ошириш тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 27.06.2017.GM/T.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ
И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ,
УЗБЕКСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ И ПРОЕКТНОМ
ИНСТИТУТЕ НЕФТИ И ГАЗА, ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ,
ФИЛИАЛЕ РОССИЙСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА НЕФТИ И ГАЗА имени И.М. ГУБКИНА**

**ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

ХОЖИЕВ БАХТИЁР ИЛХОМОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ГЕОЛОГИЧЕСКОГО СТРОЕНИЯ И
ПЕРСПЕКТИВЫ НЕФТЕГАЗОНОСНОСТИ ТЕРРИГЕННОЙ
ФОРМАЦИИ ЮРЫ КАНДЫМСКОГО ПОДНЯТИЯ**

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/GM54

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара (www.ing.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич доктор геолого-минералогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хусанов Султанбой Тухтаевич доктор геолого-минералогических наук, профессор Закиров Равшан Тулкунович кандидат геолого-минералогических наук, доцент
Ведущая организация:	АО «Узбекгеофизика»

Защита диссертации состоится « 23 » октября 2019 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 27.06.2017.GM/Т.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений, Узбекском научно-исследовательском и проектном институте нефти и газа, Ташкентском государственном техническом университете, филиале Российского Государственного университета нефти и газа им. И.М. Губкина (Адрес: 100059, г. Ташкент, ул. Ш. Руставели, 114. Тел.: (+998)71-253-09-78, факс: (+998) 71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрировано за № 4014). Адрес: 100059, г. Ташкент, ул. Ш. Руставели, 114. Тел.: (+99871) 253 - 09 - 78, факс: (+998)71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz

Автореферат диссертации разослан «___» октября 2019 года.

(протокол рассылки №_____ от _____ 2019 г.).

Ю.И. Иргашев

Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени, д.г.-м.н., профессор

М.Г. Юлдашева

Учёный секретарь Научного совета по присуждению
учёной степени, к.г.-м.н.

Ф.Г. Долгополов

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению учёной степени, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире основной задачей геологоразведочной отрасли является прирост запасов углеводородов (УВ) для обеспечения нефтегазодобывающей промышленности. Развитие экономики любого государства сопровождается постоянным ростом энергопотребления, что приводит к истощению сырьевой базы углеводородов. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой отрасли является исследование особенностей геологического строения юрской терригенной формации, к которой приурочены многопластовые залежи углеводородного сырья.

